

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 285-ҳадис

285 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَكْمَلُ الْمُؤْمِنِينَ

إِيمَانًا أَحْسَنُهُمْ خُلُقًا، وَخَيْرُكُمْ خَيْرُكُمْ لِنِسَائِهِمْ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيحٌ.

[1162].

285. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мўминларнинг иймони комилроғи, хулқи яхшироғидир. Сизларнинг яхшиларингиз, хотинларига яхшилик қиладиганларингиздир», дедилар».

Имом Термизий ривояти. Имом Термизий ҳасан, саҳиҳ, дедилар.

Шарҳ: Эр уйда раҳбар дегани кўпол, кўрс, тўрс, сўконғич, уронғич бўлиши дегани эмас. Балки у гўзал хулқли, одоб-ахлоқли бўлиши, мулойимлик, юмшоқлик сифати билан зийнатланган бўлиши лозим. Барчамиз бўйсуннишга, буйруқларини бажариб, ман этган ишларидан тийилишга маъмур бўлганимиз, бутун башариятнинг раҳбари ва саййиди пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам ўта гўзал хулқ соҳиби эдилар. Аллоҳ таоло у зотга юмшоқлик ато этган, мўминларга меҳр кўрсатиб, хокисор ва тавозели бўлишга буюрган эди. Аллоҳ таоло деди:

“Эй пайғамбар, Аллоҳнинг сизга ва асҳобларингизга бўлган раҳмати туфайли сиз асҳобларингизга юмшоқ кўнғил ва меҳрибон бўлдингиз. Агар ёмон хулқли, тошбағир бўлганингизда, асҳобларингиз атрофингиздан кетиб қолишган бўларди. Улардан содир бўлган айрим ишлар туфайли уларни айбдор қилманг ва Аллоҳдан уларнинг гуноҳларини кечиришини сўранг. Маслаҳатлашиш керак бўлган ишларда улар билан маслаҳатлашинг” (Оли Имрон сураси, 159-оят).

Аллоҳ таоло аёл кишини эрига итоат этишга буюрган экан, ўз навбатида эр ҳам хотинига нисбатан меҳрибон, ҳалим, ғамхўр бўлиши талаб қилинади.

Аллоҳ таоло эрни хотини билан ором топадиган қилиб қўйган экан, эр ҳам аёлига меҳр-муҳаббатли бўлиши керак.

Аллоҳ таоло деди: “Аллоҳнинг буюклигига, қудратининг комиллигига далил бўлувчи оятлардан бири нафсларингиз ором олиши, яъни роҳат топишларингиз учун (эй эркаклар), ўз жинсингиздан (яъни одам жинсидан) жуфтлар яратди. Ҳамда эр-хотин ўртасига меҳр-муҳаббат солиб қўйди” (Рум сураси, 21-оят).

Манба: hadis.islom.uz

